ISSN 2181-8258

DOI prefiksi:10.69691

# Journal THE LIGHT OF CIVILIZATION

Scientific, socio-philosophical, cultural and educational, literary and artistic magazine

# TAMADDUN NURI

Ilmiy, ijtimoiy-falsafiy, madaniy-ma’rifiy, adabiy-badiiy jurnal

12 (63)

2024

**TAMADDUN NURI jurnali**

Ilmiy, ijtimoiy-falsafiy, madaniy-ma'rifiy, adabiy-badiiy jurnal

**MUASSISLAR:** Beruniy tuman hokimligi
"Tafakkur-tamaddun" OOO
"Beruniy avlodlari" jamoat fondi

**HAMKORLARIMIZ:**
O'zRFA Qoraqalpog'iston bo'limi
Qoraqalpoq davlat universiteti
Urganch davlat universiteti

**TAHRIR HAY'ATI:**

**BOSH MUHARRIR:**
Munavvara KURBANBAYEVA

**BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI:**
Anvar ALLAMBERGENOV

**BO'LIM MUHARRIRI:**
Muqaddas KURBANBAYEVA

Akmal SAIDOV, y.f.d., prof., akad.
Qahramon QURONBOYEV, s.f.d.,prof.
Mehmet Munir Dadaoglu, phil.sc.d., prof.(Turkiya)
Roman GOPAL, fil.f.f.d (PhD) (Hindiston)
Almagul BAYRIYEVA, s.f.d., (DSc)
Zabixulla SAIPOV, s.f.n., (PhD)
Zuhra REYMOVA, y.f.d., (DSc)
Karlig'ash UMAROVA, y.f.d., (DSc)
Xəlil İsmayıl oğlu İsmayılov, t. f.d, prof
Anvar ABDULLAYEV, t.f.f.d, dots.
Gavhar DURDIYEVA, arx.f.d., prof.
Makset KARLIBAYEV, t.f.d., k.i.x.
Kozimbek TUXTABEKOV, t.f.d., (PhD)
Umid BEKMUHAMMAD, t.f.d., (PhD),k.i.x.
Konul Bunyadzoda, fəlsəfə fanlari doktoru, (AMEA) müxbir üzvü (Ozarbayjon)
Baxtiyor KARIMOV, fal.f.d., prof.
Marat NIYOZIMBETOV, fal.f.d.
Alima BERDIMURODOVA, fal.f.d.
Zarifboy DO'SIMOV, fil.f.d., prof.
Olmos ULVI Binnatova , f.f.d., prof.(Ozarbayjon)
Nasibullina Nurida Shaydullovna, fil.f.n( Rossiya Federatsiyasi)
Doniyor YULDASHEV, fil.f.d (DSc)
Sayyora SAMANDAROVA, fil. f.n, dotsent
Bekposhsha RAXIMOVA, fil.f.n, dots (PhD)
Azamat PRIMOV, fil.f.n, dots (PhD)
Vahob RAHMONOV, f.f.n.,dots
Farrux Abbas oglu Rustamov, p.f.d, prof.
Qozoqboy YO'LDOSHEV, p.f.d.,prof.
Safo MATJONOV, p.f.d., prof.
Qaxramon IBADULLAYEV, p.f.d., (DSc)
Masharib ABDULLAYEV, s.f.f.d., (PhD), k.i.x.
Nilufar KOSHANOVA, ped.f.f.d., (PhD)
Odilbek RADJAPOV, fal.f.f.d., (PhD)
G'ayrat MAMBETKADIROV, s.f.d.
Rana Hamid qızı Qadirova, psixol.f.d., prof(Ozarbayjon)
Nargis ATABAYEVA, psixol.f.d., (DSc)
Dilafruz QARSHIYEVA, psixol.f.d., (DSc)
Qosimboy QABULOV, psixol.f.d., (DSc)

**JAMOATCHILIK KENGASHI:**
Sirojiddin SAYYID
Muhammad ALI
Kengesboy KARIMOV
Iqbol MIRZO
Qurbon SHONIYOZOV
O'rozboy ABDURAHMONOV
Murotboy JUMANOV

**Adabiy maslahatchi:**
Guliston MATYOQUBOVA

**Rassom:**
Alibek ABDURAHMONOV

**Sahifalovchi-bezovchi:** G'iyosiddin O'NAROV

**Manzilimiz:** Qoraqalpog'iston Respublikasi, Beruniy tumani.
Web-sayt: https://jurnal.tamaddunnuri.uz
e-mail: tamaddunnuri1@gmail.com.
Telegram kanali: https://t.me/tamaddunnuri
Tel.: (+99888) 036 00 55, (+99897) 355 75 40.
Qog'oz bichimi 60x84 ⅛. Nashriyot hisob tabog'i 6,5.
Indeks – 960. ISSN 2181-8258. "ADAD PLYUS" MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Adadi 300 dona.
Bosishga 2024-yil 27-dekabrda ruxsat etildi.
Toshkent shahri, Chilonzor ko'chasi, 28-uy. 2024-yil, 12-son (63).
**Ushbu son** "Tamaddun nuri" jurnali tahririyatining kompyuterida sahifalandi. Buyurtma №27.
Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Tamaddun nuri"dan olindi deb izohlanishi shart. Matn hamda reklamalardagi ma'lumotlarning to'g'riligi uchun mualliflar mas'uldir. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar tahrirlanadi, taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Google Scholar "Tamaddun nuri" jurnali Google Scholar bazasida indekslanadi. Bu esa jurnalning ilmiy nufuzini oshirish va mualliflarning ilmiy ishlarini keng miqyosda targ'ib qilishga yordam beradi. Google Scholar orqali tadqiqotchilar va olimlar "Tamaddun nuri" jurnalida chop etilgan maqolalarni qidirib topish va ularga havola berish imkoniyatiga ega bo'lishadi.

doi Crossref Crossref DOI

Tahririyat Crossref DOI ning rasmiy a'zosi hisoblanadi va 10.69691 DOI prefiksiga ega. Har bir nashr va ilmiy maqolaga individual Crossref DOI raqami beriladi.

BIZNI IJTIMOIY TARMOQLARDA QUYIDAGI MANZILLARDA KUZATING:

## MUNDARIJA

**07.00.00 - "TARIX"**


**Annayeva Zarifa Musurmonqulovna.** Imom Iso Termiziyning ilmiy merosi...9

**Axmedova Gulchehra O'skinovna.** Baxshilar ijodida "Alpomish" dostonining talqin etilishi...12

**Rahmonberdiyeva Mahkamoy Jo'ra qizi.** O'rta osiyo hududida mitra xudosiga bog'liq ilmiy tadqiqotlar...60

**Ғаффаров Яраш Холлиевич.** Таълим тизимида ахборот технологиялар ва инновациялар...75

**Djabborova Adolatxon Kazakbayevna.** Xiva darvozasidagi ramz va belgilar (Ota darvozasi misolida)...86

**Jumaniyazova Feruza Maxsetbay qizi.** Ilk o'rta asr Ustyurtning arxeologik yodgorliklari (V-XI asrlar)...106

**Umarov Jamshid Saidmuratovich.** Ikkinchi jahon urushidan keyingi yillarda Surxondaryo viloyatida o'qituvchilar faoliyati...166

**Suyunov Ilyos Juma o'g'li.** Korrupsiya tizimi genezisi, unga qarshi kurash tizimi tarixi...169

**Ahmedov Bekzod Bahtiyorovich.** O'rta asrlarda musulmon me'morchiligining o'ziga xos hususiyatlari (Jarqo'rg'on minorasi qurilishi misolida)184

**Isayev Oybek Ahmed o'g'li.** Surxon vohasida sog'liqni saqlash tizimi va muammolari (1925-1941-yillar)...190

**Рахимов Боходир Саидмусаевич.** Сурхондарё вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари...195

**Xolmuminov Xusan Eshmo'minovich, Eshmo'minov Ozodbek Ziyodulla o'g'li.** Buxoro amirligi janubiy bekliklaridagi aholining demografik jarayonlari (XIX asr oxiri – XX asr boshlari)...198

**Xoldarov Akmaljon Axmadjon o'g'li.** Sharqshunoslik maktabi tarixiga doir ilmiy tadqiqotlar va ularning tahlili...211

**Djurayeva Feruza Shukurovna.** Qadim arablarning ilk badiiy ta'bini shakllantirgan omillar...227


**09.00.00 - "FALSAFA"**


**Xamdamov Erkin Ibodullayevich.** Ziyo Go'kalp falsafasida axloq va metafizikaning aloqadorligi...22

**Sultanova Gulnoza Sabirovna, Shamsiyev Sardor Aslidinovich.** Ichki ishlar xodimlarida kreativ fikrlashning mohiyati...72

**Вахобов Мансур Туйчиевич.** "Маърифий тарғибот" тушунчасининг мазмун-моҳияти...109

**Tursunova Shahnoza Bekchanovna.** Yangi O'zbekistonda islohotlarni amalga oshirishda davlat va xalq o'rtasida muloqotni yo'lga qo'yish.......120

**Есимова Анаркуль Эльмуратовна.** Наследие кочевой цивилизации народов Центральной Азии...129

**Iskandarov Nurbek Sherifboyevich.** Inson jismoniy yetukligining ijtimoiy-pedagogik va madaniy jihatlari...134

**O'razmetov Mangubek Tursunbayevich.** Xoja Ahmad Yassaviy va Sulaymon Boqirg'oniy ta'limotlarida ma'naviy-axloqiy g'oyalarning aks .........139

**Radjapov Odilbek Babanazarovich.** Zamonaviy texnologik taraqqiyot inson bilim va ko'nikmalarining mahsuli...143

**Masharipova Gularam Kamilovna.** Sharq aristotelizmi, Abu Rayhon Beruniy va Abu Ali Ibn Sino qarashlari...158



Jurnal 2016-yil 28-sentyabrda O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligi tomonidan № 0843 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan. O'zbekiston Respublikasi OAK tomonidan 2019-yil 30-yanvarda chop etilgan OAK rayosati qarorlari bilan tasdiqlangan ro'yxatga ko'ra 07.00.00 - "Tarix", 09.00.00 - "Falsafa", 10.00.00 - "Filologiya" ixtisosligi bo'yicha; OAK Rayosatining 2023-yil 31-oktyabrdagi 345-son qarori bilan 12.00.00 – "Yuridik fanlar", 13.00.00 – "Pedagogika", 19.00.00 – "Psixologiya" ixtisosliklari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Qabul qilindi: 05.09.2024 Chop etildi: 30.10.2024 UO'K: 372.893

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

*Ғаффаров Яраш Холлиевич*
*Тарих фанлари номзоди, профессор, Чирчиқ давлат педагогика университети*



https://orcid.org/0009-0002-8215-3272
*e-mail:*
gafforovyarash@gmail.com

# ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ИННОВАЦИИ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

*Гаффаров Яраш Холлиевич, кандидат исторических наук, профессор, Чирчикский государственный педагогический университет*

# INFORMATION TECHNOLOGIES AND INNOVATIONS IN THE EDUCATION SYSTEM

*Gaffarov Yarash Khollievich, Candidate of historical sciences, professor, Chirchik state pedagogical university*

***Аннотация:*** *Мақолада таълимни ахборотлаштириш ва таълим жараёнларини технологиялаштириш ҳамда янги инновациялар кўрсатиб ўтилган.*
***Калит сўзлар:*** *технологик жараён, моделлаштириш, дастурлаш, интеграция, инновацион усуллар, замонавий технология, коммуникация, фундаментал, интеллектуал, алгоритмлар.*
***Аннотация:*** *В статье освещаются информатизация образования, технологизация образовательных процессов и новые инновации.*
***Ключевые слова:*** *технологический процесс, моделирование, программирование, интеграция, инновационные методы, современные технологии, коммуникация, фундаментальные, интеллектуальные, алгоритмы.*
***Abstract:*** *The article shows the stylization of education and to technology of pedagogical educational processes, as well as new innovation.*
***Key words:*** *technological process, modeling, programming, integration, innovative methods, modern technologies, communication, fundamental, intelligent, algorithms.*

**КИРИШ.** Бугунги кунда Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқдалар.

**МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ**. Бу ерда, “Нима учун бугунги кунда технологияларнинг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурати тугилди?” деган савол пайдо бўлиши мумкин. “Жамиятимизга қанчадан-қанча билимли кадрларни ва юқори малакали олимларни етиштириб келган педагогика усуллари мавжуд-ку, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай қолган ва мафкуралаштирилган жойларини ўзгартириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса бўлмайдими?”-деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятга бу йўл узоқ хизмат қилолмайди.

Чунки:

**биринчидан,** маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан ортда қолиб кетган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун, аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илгор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги;

**иккинчидан,** анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва огзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли "Ахборотли ўқитиш" сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги;

**учинчидан,** фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;

**тўртинчидан,** кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмперик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ якунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

Таълим технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида махсус тадқиқотлар олиб боришни кўзда тутади. Бунда, энг аввало, қуйидагиларни аниқлаш лозим:

-таълим технологияларини илмий ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигини аниқлаш;

-таълим мажмуи сифатида нимани англатиши ва қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини белгилаш;

-таълим технологиясининг функционал мажмуи жараён сифатида нималардан иборатлигини аниқлаш;

-таълим технологиялари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мақсадларига қай даражада тўгри келиши ва уни баҳолаш мумкинлигини кўрсатиб бериш;

-педагогик технологиянинг мажмулар назариясининг асосий қонуниятларига мослигини назоратда тутиб туриш йўл-йўригини ишлаб чиқиш.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари, педагогика илмининг тадқиқот объекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш усули бўлибгина қолмай, ижтимоий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши лозим.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педогогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан холда, Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш лозим.

Ҳозирги замон ўқитувчиси, ўз фани бўйича мутахассислигидан ташқари фанни ўқитаётганда ахборот ва коммуникация технологияларининг барча афзалликларидан бемалол фойдалана оладиган, ўқувчи ва талабаларда бу технологияларни амалда ишонч билан фан ва техниканинг мавжуд янгиликлари уларни ўқув дастурлари ва дарсликлари мазмунига жадал киритишни талаб этади ва бу орқали талабаларнинг замонавий билимларини шакллантиришга замин яратади. Замонавий ўқитиш технологияларининг жорий этилиши ва турли методик ёндашувлар эса, ўз навбатида, талабаларда кўплаб фундаментал тушунчаларни нисбатан енгил ва мустаҳкам шаклланишига қулай шароит яратади.

Янги ахборот технологиялари таълим жараёнини вақт ёки жойлашган жойига боглиқликдан халос қилди. Бироқ, айни бир вақтда, ахборот технологиялари ўқув жараёнида иштирок этаётганлар олдига янги қўшимча. талаблар қўйди.

Ҳозирги жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг асосий йўналишларидан бири таълимни ахборотлаштиришдир.

Таълимни ахборотлаштириш - кенг маънода таълим соҳасини методология, ўқитиш мақсадларининг психологик-педагогик тадбигига йўналтирилган янги ахборот технологиялари воситаларидан самарали фойдаланиш ва яратиш (қайта ишлаш) амалиёти билан таъминлаш сифатида қаралади. Бундан ташқари, ахборотлаштириш масофали ўқитиш тизимининг тараққиёти учун база бўлиб хизмат қилади. Ахборотлаштириш жараёнида таълим тизимида янги ахборот технологиялари воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш амалга оширилади.

Таълимни ахборотлаштириш, биринчи навбатда қуйидагиларни назарда тутади:

компьютер техникаси, ахборот ва коммуникация технологияларнинг замонавий воситаларини тизимли ўрганиш, ташқил этиш ва фойдаланишни;

талабаларнинг мустақил ишларини ташқил этиш, ўқув ва методик таъминлашни;

ўқитувчилар томонидан зарурий ўқув-методик таъминотни яратиш бўйича ишларни;

ахборот технологияларини самарали қўлланилишидан вужудга келаётган янги имкониятларни ҳисобга олган холда ўқув жараёнини такомиллаштиришни тақозо этади.

Бошқа баъзи назариётчилардан фарқли ўлароқ бу олимлар инқилобни ижтимоий-сиёсий ҳаракат натижаси сифатида эмас, балки жамиятининг синфий тузилишини ижтимоий нодифференциал "ахборотлашган жамоа" билан алмаштирувчи "ахборотли портлаш"ида кўрадилар.

**ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ.** Хуллас, янги технология ва техникани ўзлаштириш ижтимоий-сиёсий ҳаётга бевосита боглиқ. Улар одамлар ижод қилиши ва ташаббус кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиши лозим. Ахборот технологияси ёрдамида илмий билимлар формаллаштирилади ва айни вақтда маълумотларни ифодалашнинг кўргазмали шакллари (чизмалар, графиклар)дан фойдаланилади.

Инновация илмий тадқиқот фаолиятининг мавжуд шакл ва усулларини янгилашга, уларни амалга ошириш учун янги мақсад ва воситалар яратишга қаратилган парадигмал фаолиятидир. Шунинг учун ҳам ҳозирда ижодий фаолият деганда, инсоннинг янги моддий ва маънавий қадриятлар яратишга қаратилган ва ижтимоий аҳамиятга йўналтирилган инновацион фаолият усули тушунилмоқда.

Ҳозирги даврда Республикамизда илмий тадқиқот фаолиятининг ривожланиш ҳолати ва ундаги структуравий ўзгаришлар инновацион фаолият билан чамбарчас боглиқ. Айниқса, фаннинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига янгилик киритишда инновацияларнинг ўрни беқиёс ҳисобланади. Бу ҳар йил ўтказилаётган инновацион гоя ва технологиялар ярмаркасида иштирок этаётган ишланмалар тадкимотида ўз ифодасини топмоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда фан, техника тараккиётини таъминлаш мақсадида инновацион муҳитни шакллантириш ҳамда доимий равишда эвристик фаолиятни рагбатлантириб бориш муҳимдир.

Инновация деб янги илмий техник ютуқлардан самарали фойдаланишга айтилади. Бу ҳолатнинг илмий-ижодий фаолиятдаги муҳитга мувофиклаштириш, унинг самарасини ошириш республикамиздаги фан имкониятларидан тўлик фойдаланишга катта ёрдам беради. Бу жараёнда асосий эътибор ёш авлоднинг энг рационал фаолиятига қаратилган. Чунки инновацион гоялар жамият тараққиёти учун жуда кучли самара беради. Бундай гояларни ривожлантиришда новаторликнинг ўрни катта. Чунки айнан новаторлик асосида илмий-ижодий фаолият олиб боришнинг янги типик кўринишини шакллантириш мумкин.

**ХУЛОСА**. Хуллас, дастлаб адабиётларда инновация иктисодий тадкикотлар тизимида ўрганилган. Вақт ўтиши билан инновацион ўзгаришлар жамият ҳаёти фаолиятининг ҳамма соҳаларида сифат кўрсаткичларини баҳолашда қўлланилади. Шу боис бу инновациялар фақатгина иқтисодиётда қўлланилиши ҳақидаги фикр нотўгри эканлиги асосланди. Илмий тадқиқот фаолиятида инновацияларнинг жорий килиниши замонавий ютуклардан фойдаланишга кенг имконият яратади. Илмий тадқиқот фаолиятига инновацион ёндашув янги кашфиётлар мазмуни, таркиби ва таснифини текшириш, натижаларини таҳлил қилиш имконини беради.

**АДАБИЁТЛАР**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўгрисида»ги Фармони.

2.Мамфорд Л. Миф машины. Техника и развитие человечества. М.: 2001, С.58.

3.Бзежинский З. Великая шахматная доска. –М.: Международные отношения, 1998. С.-254.: Белл Д. Грядшее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. –М.: Академия, 1999.-95с.: Тоффлер Э. Шок будущего-М.: АСТ, 2001. 560с.: Тоффлер Э. Третья волна-М.: АСТ, 1999,-784с.

4.Баталов Э. О книге Э.Тоффлера "Третья волна" –М.: 1998 С.85.

5.Б.Зиёмуҳаммедов. Педагогик маҳорат асослари. Т. "ТИВ-КИТОБ", 2009 йил, 152-154 бетлар.

6.Н.А.Шермухамедова. Илмий-тадқиқот методологияси. Т. "Фан ва технология" нашр., 2014 йил, 174-175 бетлар ҳамда 403-407 бетлар.

8. Крючкова С.Е. Инновации и их роль в современном мире (Глаза в коллективной монографии "Синергетика-нелинейность-глобализм " М. Изд-во МГТУ "Станкин", 2007.